Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1926 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 206 (8196). ● 1 ноябрь, 1983 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

## КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг Берлинда ўтказилган XXXVII сессияси якунларини кўриб чиқиб, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихонов бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегациясининг фаолиятини маъқуллади. Сессияда қабул этилган қарорлар ишлаб чиқаришни янада интенсивлашга ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларида ёқилғи — хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланишга, аҳолининг озиқ-овқат молларига эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришга кўмаклашиши қайд этилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари ҳукумат бошлиқлари қабул қилган ва Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракетлари Ғарбий Европада жойлаштирилишига қарши қаратилган ҳамда қардош социалистик мамлакатларнинг қуролланиш пойгаси янада кучайтирилишининг олдини олиш, тинчликни сақлаб қолиш ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўли ўзгармаслигини яна бир бор тасдиқлаган Баёнотини юксак баҳолади. Сиёсий бюро Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг сессияси вақтида кенгашга аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги иқтисодий кенгашига тайёргарликни тугаллаш соҳасида ўтказилган ишнинг муҳим аҳамиятини уқтириб ўтди ҳамда бўлажак кенгаш қардош мамлакатлар экономикасини муваффақиятли ривожлантириш ишига, социалистик иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга, социалистик давлатларнинг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлашга самарали хизмат қилишига ишонч билдирди.

Н. А. Тихоновнинг ГБСП Марказий Комитети Бош секретари, ГДР Давлат Кенгаши Раиси Э. Хонеккер билан, ПБИП Марказий Комитети Биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельский билан ҳамда БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, БХР Министрлар Советининг Раиси Г. Филипов билан икки томонлама учрашувлари натижалари ҳам маъқулланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида нефть маҳсулотларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш соҳасидаги ишни кучайтириш масаласи кўриб чиқилди ҳамда бу ишнинг асосий йўналишлари белгиланди. Мамлакат экономикасини янада ривожлантириш, уни интенсивлаш, СССРнинг энергетика программасини рўёбга чиқариш моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ эканлиги таъкидланди. Шу ресурслар орасида энди тобора олис районлардан қазиб олинаётган ва йил сайин тобора қимматга тушаётган нефть алоҳида ўрин олади.

Сиёсий бюро ҳар бир меҳнат коллективида нефть маҳсулотларини тежашнинг амалий масалалари муҳокама қилинишини таъминлашни, ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларнинг куч-ғайратлари ёнилғи-мойлаш материалларини тежаш резервларини янада кўпроқ аниқлаш ва улардан фойдаланишга, бу материалларнинг исроф бўлишини кескин камайтиришга қаратишни, нефть маҳсулотларини тежаш соҳасидаги бутун иш устидан контролликни кучайтиришни, илғор тажрибани, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини, рационализаторлар ва ихтирочиларнинг таклифларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оммалаштиришни иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, жойлардаги партия ва совет органларига топширди. Хўжалик раҳбарларининг меҳнатнинг ташкил этилиши, ҳар бир иш жойида энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишга шарт-шароит яратилиши учун бўлган масъулиятини ошириш тадбирлари белгиланди. Ёқилғини тежайдиган самарали техника ва технологияни яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш планлари сўзсиз бажарилиши, ёнилғи-мойлаш материаллари истеъмолини нормалаш ва ҳисобга олиш системаси такомиллаштирилиши зарурлигига эътибор қаратилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўртоқ Д. Ф. Устиновнинг Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа министрлари комитетининг навбатдан ташқари мажлиси тўғрисидаги ахборотини тинглаб, маъқуллади. Қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини амалга оширишнинг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама қилинди.

## КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советидан

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович РАШИДОВ 1983 йил 31 октябрда тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ



## ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, Ўзбекистонда партия ва совет қурилишининг атоқли ташкилотчиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Шароф Рашидович РАШИДОВ 1983 йил 31 октябрда тўсатдан вафот этганлигини республика коммунистларига, барча меҳнаткашларига чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

# Шароф Рашидович РАШИДОВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Шароф Рашидович Рашидов 1983 йил 31 октябрда тўсатдан вафот этди. Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби Шароф Рашидович Рашидов ўзининг бутун ҳаётини коммунизм қурилиши улуғ ишига бағишлади.

Шароф Рашидович Рашидов 1917 йил 6 ноябрда Ўзбекистон ССРнинг Жиззах шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилди. У 1939 йилдан буён КПСС аъзоси эди. Самарқанд давлат университетини ва ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1935 йилда ўқитувчиликдан бошлади. Бир неча йиллар мобайнида журналистика ишида бўлди. У 1941 йилнинг августидан бошлаб комсомол ишида ва Совет Армиясида партия ишида бўлди, немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда қатнашди. 1943 йилда оғир жароҳатлангандан кейин Совет Армиясидан қайтиб, Самарқанд область газетасида редактор бўлиб ишлади. 1944 йилда у Самарқанд область партия комитетининг секретари этиб сайланди. 1947 йилдан бошлаб республика «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори, кейинчалик эса Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси бўлди. Ш. Р. Рашидов 1950 йилдан 1959 йилгача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ва 1960 йилгача СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, 1970 йилдан буён СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси эди.

Ш. Р. Рашидов 1959 йилнинг мартидан умрининг сўнгги кунларигача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида ишлади. Партиянинг XX съездида Марказий Комитет аъзолигига кандидат этиб, XXII-XXVI съездларида эса КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. 1961 йилдан 1966 йилгача КПСС Марказий Комитети президиуми аъзолигига кандидат, 1966 йил апрелидан эса КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат бўлди. Ш. Р. Рашидов III—X чақириқ СССР Олий Советининг депутати эди.

Ш. Р. Рашидов партия, давлат ва жамоат фаолиятининг барча соҳаларида коммунизм ишига чексиз садоқат, партия сиёсатини амалга оширишда ирода ва қатъият кўрсатиб келди. Янгиликни ҳис этиш, партия ва давлат турмушига доир масалаларни ижодий ҳал этиш, кишиларни жипслаштириш ва уюштириш маҳорати унга хос фазилатлар эди. У қарийб чорак аср мобайнида республика партия ташкилотига бошчилик қилиб, ўзининг бутун бой ҳаётий тажрибасини, ташкилотчилик истеъдодини республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга бағишлади. Шу йиллар мобайнида Ўзбекистон ССРда қудратли ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциали вужудга келтирилди, саноатнинг янги тармоқлари ривожлантирилди, қишлоқ хўжалиги йирик, механизациялаштирилган тармоқ бўлиб қолди. Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахтачилик базасига айланди.

Шароф Рашидович Рашидов — таниқли совет ёзувчиси ва публицистидир. Бир қанча романлар, повестлар, адабиётнинг, халқларни интернационализм ва дўстлик руҳида тарбиялашнинг актуал проблемаларига доир назарий асарлар унинг қаламига мансубдир. У СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси эди.

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун Ш. Р. Рашидовга икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвони берилганди. У кўпгина давлат мукофотлари: Ленин орденлари, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва медаллар билан тақдирланган.

Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди, оташин ватанпарвар ва интернационалист Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси совет кишиларининг қалбларида ҳамиша сақланиб қолади.

Ю. В. АНДРОПОВ, Г. А. АЛИЕВ, М. С. ГОРБАЧЕВ, В. В. ГРИШИН, А. А. ГРОМИКО, Д. А. КУНАЕВ, Г. В. РОМАНОВ, Н. А. ТИХОНОВ, Д. Ф. УСТИНОВ, К. У. ЧЕРНЕНКО, В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ, В. И. ВОРОТНИКОВ, П. Н. ДЕМИЧЕВ, В. И. ДОЛГИХ, В. В. КУЗНЕЦОВ, Б. Н. ПОНОМАРЕВ, М. С. СОЛОМЕНЦЕВ, Э. А. ШЕВАРДНАДЗЕ, М. В. ЗИМЯНИН, И. В. КАПИТОНОВ, К. В. РУСАКОВ, Н. И. РИЖКОВ, Т. Н. МЕНТЕШАШВИЛИ, Е. АЙТМУРОТОВ, И. Г. АНИСИМКИН, Ю. П. МАКСИМОВ, В. К. МИХАЙЛОВ, М. М. МУСАХОНОВ, Т. Н. ОСЕТРОВ, О. У. САЛИМОВ, И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ, Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ, Қ. КАМОЛОВ, Н. М. МАҲМУДОВА, У. УМАРОВ, Р. АШУРАЛИЕВ, Р. Ғ. ҒОЙИПОВ, В. П. ЕСИН, М. ҚАМОЛОВ, А. ҚАРИМОВ, А. Қ. ҚАРИМОВ, С. МАМАРАСУЛОВ, Х. УМАРОВ, В. А. ХАЙДУРОВ, М. ХУДОЙБЕРГАНОВ, Ҳ. А. ШОҒАЗАТОВ, Г. М. МАРКОВ, О. С. СОДИҚОВ, Х. РУСТАМОВА, Н. П. ЖЕЛЕЗНОВ, Д. ЮСУПОВ, С. О. АЗИМОВ.

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қилдилар:

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Шароф Рашидович Рашидовни дафн этишни уюштириш учун И. Б. Усмонхўжаев (раис), Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. К. Камолов, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, С. О. Азимов, В. А. Голсвин, Н. М. Железнов, Н. И. Иброҳимов, С. О. Паршин, Х. Рустамова, О. С. Содиқов, Ҳ. А. Шоғазатовдан иборат ҳукумат комиссияси тузилсин.

### КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ, ИККИ МАРТА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ, ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ ШАРОФ РАШИДОВИЧ РАШИДОВНИ ДАФН ЭТИШНИ УЮШТИРУВЧИ

## ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДАН

Шароф Рашидович Рашидов жасади солинган тобут В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройига қўйилади.

1 ноябрь соат 10 дан 19.00 гача ва 2 ноябрь соат 9 дан соат 12 гача марҳум билан видолашилади.

Дафн этиш маросими 2 ноябрь соат 14 да бўлади.

## Шароф Рашидович Рашидовнинг касаллиги ва вафотининг сабаби тўғрисида МЕДИЦИНА ХУЛОСАСИ

Ш. Р. Рашидов 1917 йилда туғилган, юракнинг ишемия касаллиги, юрак томирларининг атеросклерози, инфарктдан кейинги кардиосклероз дардига чалинган.

1983 йил 30 октябрь куни соат 19 да бирдан такрорий тарқоқ миокард инфаркти бошланди. Натижада юрак фаолияти кескин бузилди ва 31 октябрь куни эрталаб соат 5 да юрак уришдан тўхтади.

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги 4-бош бошқарма бошлиғи **А. С. БОТИРБЕКОВ.**

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор **Р. А. КАЦЕНОВИЧ.**

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор **К. Й. ЙЎЛДОШЕВ.**

Даволовчи врач **Б. П. НАУМОВ.**

## «Жаҳон врачлари ядро урушининг олдини олиш учун курашда» III Халқаро конгрессининг мурожаатига Ю. В. АНДРОПОВнинг жавоби

Илгари хабар қилинганидек, 21 октябрь куни СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов «Жаҳон врачлари ядро урушининг олдини олиш учун курашда» халқаро ҳаракатининг ҳамраислари профессор Б. Лаунни (АҚШ) ва академик Е. И. Чазовни (СССР), шунингдек ҳаракатнинг вице-президентлари доктор Д. Сорбоени (Норвегия) ва профессор О. Васц-Хеккертни (Финляндия) Кремлда қабул қилган эди.

Ҳаракат раҳбарлари «Жаҳон врачлари ядро урушининг олдини олиш учун курашда» III халқаро конгресси мурожаатининг текстини СССР ва АҚШ давлат бошлиқларига топширдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов 26 октябрда «Жаҳон врачлари ядро урушининг олдини олиш учун курашда» ҳаракатининг ҳамраисларига қуйидаги мазмунда жавоб йўллади:

«Сизларнинг мўътабар анжуманингиз Совет Иттифоқи ва АҚШ раҳбарларига йўллаган ва яқинда менга топширилган мурожаат билан зўр эътибор бериб ва қизиқиб танишдим. Афсуски, шамоллаб бетоб бўлиб қолганлигим сабабли Москвада сизлар билан шахсан учраша олмадим, аммо сизларнинг мурожаатингиз муносабати билан ўзимнинг баъзи фикрларимни айтиб ўтмоқчиман.

Биз бу мурожаатни ядро ҳалокатининг олдини олишга қилинган юксак инсонпарварлик руҳидаги даъват деб биламиз. Бу Совет раҳбарларининг, бутун халқимизнинг фикр ва туйғуларига ғоятда ҳамоҳангдир.

Ядро уруши бошланиб қолгудек бўлса, унинг ҳақиқатан ҳам ҳалокатли оқибатлари муқаррарлиги тўғрисидаги хулосангизга батамом қўшиламан. Сизлар ўнглаб бўлмайдиган ишга йўл қўймаслик учун одамлар билиб олиши лозим бўлган аччиқ ҳақиқатни кўрсатиб бердингиз.

Конгрессингизнинг ишида ҳам, унда қабул қилинган ҳужжатларда ҳам медицина ҳамжамияти ядро ҳавф-хатарига актив қаршилик кўрсатиши зарурлигини тобора кўпроқ англаётганлиги намоён бўлиб бораётганлиги жуда муҳимдир. Сизлар таърифлаган биринчи навбатдаги тадбирлар программаси (бу тадбирларни ядро қуролига эга бўлган давлатлар амалга ошириши керак) аслида бизнинг мамлакатимиз изчиллик билан курашиб келаётган, ўзимизнинг амалий куч-ғайратларимизни сарфлаётган тадбирлардан фарқ қилмайди.

Ядро урушини бошлаш ғояси қандай баҳоналар билан ниқобланмасин, Совет Иттифоқи уни телбаларча ғоя деб, шундай урушга даъватларни эса жиноий даъватлар деб рад этади. Бизнинг ишончимиз комилки, бугунги кунда барча давлатлар, аввало ядро қуролига эга бўлган давлатлар раҳбарларининг сиёсатини ядро урушига йўл қўйиш мумкинлиги тўғрисидаги фикрга кўниктиришдан иборат масъулиятсиз уринишлар, ядровий устунликка эришишга интилиш эмас, балки сиёсий иродани ҳалокатнинг олдини олишга, кишиларнинг яшаш ҳуқуқини таъминлашга қаратиш белгилаб бериши керак.

Ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида бир томонлама қабул қилинган мажбурият, барча ядро қуролларини кўпайтирмаслик тўғрисида яқинда ўртага қўйилган конкрет таклиф, ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш тўғрисида самарали битимга эришиш, бундай қуроллар, шу жумладан Европада ҳам кўпайтирилишининг янги босқичига йўл қўймаслик борасидаги собитқадам куч-ғайратлар — буларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи сизларнинг ҳаракатингизни ҳам юзага келтирган вазифани ҳал этишга қўшган ҳиссасини кўрсатувчи яққол далиллардир.

Биз туб қарорлар қабул қилишга тайёрмиз. Гап бошқа томонда қолган. Холис ниятли барча кишилар каби сизлар ҳам шунга амин бўлишингиз мумкинки, СССР халқаро кескинликни юмшатиш учун, хоҳ ерда ёки космосда бўлсин қуролланиш пойғасини жиловлаш, ядро ёнғинига йўл қўймаслик учун бундан буён ҳам ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилаверади.

«Жаҳон врачлари ядро урушининг олдини олиш учун курашда» ҳаракатининг барча қатнашчиларига уларнинг олижаноб ва ғоят муҳим миссиясида муваффақиятларга эришувларини тилайман.

Ҳурмат билан

**Ю. АНДРОПОВ».**

